

ЧЎЛПОН АСАРЛАРИДА ЭКСПРЕССИВЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ СИНТАКТИК БИРЛИКЛАР ХУСУСИДА

Мархабо УМУРЗОҚОВА

тадқиқотчи

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

umurzakova.markhabo@mail.ru

Бадиий асар тили, ундаги бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида ўзбек тилшунослигида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бу йўналишда бир қанча ижодкорларнинг бадиий асарлари, жумладан, Чўлпон асарларининг тил хусусиятлари ҳақида тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, жадид адабиётининг йирик вакилларида бири, беназир сўз санъаткори Абдулҳамид Чўлпон асарлари ўзининг жозибаси, ўзига хос ширали тили билан тадқиқотчиларни ўзига жалб қилаверади. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романининг тил хусусиятларини тадқиқ қилган М.Йўлдошев асарга куйидагича баҳо берган эди: “Чўлпоннинг насрий нутқдаги маҳоратининг чўққиси бўлмиш “Кеча ва кундуз” романи нафақат ёзувчининг эстетик идрокини, балки яхлит ўзбек тилининг эстетик моҳиятини ҳам намоён эта оладиган асардир” (2, 8).

Дунё тилшунослигида синтактик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида қатор тадқиқотларнинг юзага келганлиги ўзбек тилшунослигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб эмоционалликни таъминловчи синтактик бирликларга эътибор қаратила бошланди ҳамда бадиий матнда синтактик бирликларнинг экспрессивликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилди. Рус тилшунослигида экспрессив синтактик воситаларни тадқиқ этган Г.Н.Акимова уларнинг 6 та асосий турини санаб ўтади: парцелляция, сегментация, синтактик кенгайтирувчилар билан келган лексик такрор, монологик нутқдаги савол-жавоб тарзидаги қурилмалар, атов гаплар занжири, сўзни махсус экспрессив-стилистик жойлаштириш (5, 113).

Г.Акимова экспрессив синтаксиснинг асоси ва келиб чиқиши ҳақида гапирганда оғзаки ва ёзма нутқ муносабатига эътибор қаратиш лозимлигини, кўпчилик тан олган қарашлардан бири бу экспрессив синтаксиснинг асосида оғзаки нутқ ётишини, лекин оғзаки нутқдаги қурилмалар ёзма нутқдагига қараганда ўзига хос вазифа бажаришини таъкидлайди. Оғзаки ва ёзма нутқдаги бундай қурилмаларнинг фарқли жихатларини кўрсатади (5, 115). Рус тилшуносларидан яна бири А.П.Сковородников эса экспрессив синтаксис бирликларининг 13 та кўринишини қайд этади (6, 37). М.Йўлдошевнинг бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқига бағишланган докторлик диссертациясининг

учинчи бобида тил бирликларининг поэтик актуаллашуви, жумладан, синтактик воситалар хусусида сўз юритилган. М.Йўлдошев ўзбек тилида бадиий матнда поэтик актуаллашадиган синтактик воситаларнинг қуйидаги турларини кўрсатади: синтактик параллелизм, эмоционал гап, риторик сўроқ гап, инверсия, эллипсис (антиэллипсис), парцелляция, атов гаплар(сегментация), градация, оксюморон (гайриодатий бирикмалар), антитеза (синтактик конструкцияларда), фарқлаш, ўхшатиш, сукут, улаб кетиш, коррекция ва бошқалар (3, 40). Чўлпон асарларини кузатар эканмиз, юқорида номлари саналган синтактик ҳодисаларнинг деярли барчасини учратиш мумкин. Биз қуйида шоир шеърларида учрайдиган, экспрессивликни таъминлайдиган ана шундай синтактик воситаларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

Чўлпон нафақат ёзувчи, яхши шоир ҳам эди. “Чўлпон нисбатан унча кўп бўлмаган муддат давомида ўзбек шеърлятини тамом янги йўлга буриб юборди. Мана шу хизматнинг ўзи шоир Чўлпонга халқимизнинг абадий ҳурмат-эъзозига сазовор бўлиш ҳуқуқини беради” (1, 10).

Чўлпон шеърларида такрорнинг гўзал намуналарини учратиш мумкин. “Айни бир сўз, ибора ёки синтактик шаклларнинг муайян мақсад билан қайтарилиши такрор дейилади”(4, 100). Қуйида келтирилган мисраларда шоир қаҳрамонининг ҳолатини очиб беришда такрордан фойдаланган.

Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?

Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?

Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?

Нега бунча умидсиздир туришинг?

Шеърнинг кейинги бандларида савол кескинлашади. Шоир шеърнинг дастлабки мисраларида такрор сифатида *нега* олмошидан фойдаланган бўлса, кейинги ўринларда у *нима учун* билан алмашади. Оҳангда шиддат, кескинлик ортади.

Нима учун кўзларингда туташувчи олов йўқ?

Нима учун танларингда бўриларнинг қўрни тўқ?

Нима учун газабингни уйғотмайдур ўғу-ўқ?

Нима учун борлигингда бу даража бузғунлиқ?

Нима учун ўч булутни селларини ёғдирмас?

Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас? (1, 51).

Чўлпон шеърларини таҳлил қилар эканмиз, шоир такрор билан риторик сўроқни уйғун ҳолда қўллаганлигини кўришимиз мумкин. Шоир ўзининг саноқсиз саволларига жавоб олмоқ ниятида қайта-қайта мурожаат қилади, ўзини қийнаётган саволларга жавоб қидиради. Саволларнинг такрори гўзал, ўзига хос ифоданинг юзага келишида асосий восита сифатида қўл келади.

Нечун, нечун яна кўзларда томчилар ўйнар?

*Нечун, нечун бу аламларни кўммадинг бирга?
Нечун уларни ташладинг сўнг қўнуқ – гўрга?
Нечун юзинг яна сўлгун, нечун узун ўйлар? (1, 54)*

Шоир шеърларини таҳлил қилар эканмиз такрор сифатида асосан сўрок олмошлари (*нега, нечун, нима учун*), от (*пўртана, халқ*), феъл (*кет, кел*) боғловчилар (*ёки*), модал сўзлар (*эхтимол*), равишлар (*чиндан-да, яна*) қўлланганлигини кўришимиз мумкин.

*Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?
Ёлғиз менми кўкрагимни тиглаган?
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?
Эй кўкламнинг кўз тортғувчи келини,
Нима учун йиғлатасан бир мени? ... (1, 57)*

Чўлпон шеърларида қўлланилган такрорларнинг ўринлашишига кўра гап бошида ва гап охиридаги такрорга бўлиш мумкин. Шоир шеърларида шеърий мисраларнинг бошида такрорланиб келиб, анафорани юзага келиши мисра охиридаги такрорга нисбатан кўпроқ учрайди.

Чўлпон шеърларида экспрессивликни таъминловчи яна бир ҳодиса сегментациядир. Бир гап таркибида бериш мумкин бўлган ахборотни бўлақларга – сегментларга бўлиб бериш орқали экспрессивликнинг ифодаланиши тилшуносликда “сегментация” термини билан аталаётган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келди. Сегментацияда гап таркибидаги муҳим бўлақ адресантнинг коммуникатив мақсадига кўра ажратиб олинадиган гапнинг олдида чиқарилади.

*Кўпиклар...у оппоқ саноқсиз кўпиклар
Юлдуздек жимилдаб туралар;
Кўпиклар...у кичик, чиройлик кўпиклар
Ошиқнинг кўнглидан уралар... (1, 33).*

Шоир шеърларида келтирилган сегмент қурилмалар коррелятсиз бўлиб, қуйидаги мисолда ҳам сегмент сифатида ажратилган *хаёл* сўзи сегмент бўлақни изоҳлаб келаётган асосий гапда такрор қўлланган.

*Хаёл...хаёл...ёлғиз хаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқамен;
Хаёлдаги юлдузларким, амалдир,
Оловимни алар учун ёқамен (1, 43).*

Қуйидаги мисолда сегмент бўлақдан кейин қўйилган ундов белгиси таъкид маъносини кучайтириш учун хизмат қилган.

*Денгиз!
Қип-қизил лола – қизгалдоқ денгизи!*

*Кенг далада, кўк майсалар ичида
Лола гулнинг кенг денгизи кўрунди,
Қизил туси хаёлимдай бурунди (1, 43).*

Сегмент учун хосланган шакл бу бош келишиқдаги от, отлашган сўзлар ҳамда ҳаракат номи шаклидир. Бош келишиқдаги сўз бошқа келишиқлардаги сўзларга нисбатан предметни тўғридан-тўғри атайди, бошқа сўзлар билан муносабатни талаб қилмайди, нисбатан мустақил саналади. Бу эса ўз ўрнида фикрнинг темаси учун зарурий шарт ҳисобланади.

*Қор...қор...
Заҳарли ниналар кеби
Кўзларга қараб оқар...
Қайда сен, қайда сен,
Латиф сийналар кеби
Дилларга сингган баҳор! (1, 89).*

Қуйида келтирилган мисолда сон сўз туркумига оид сўз ажратилган бўлиб, бу орқали шоир қаҳрамонининг узоқ муддат ишқ азобида қийналганлигини таъкидлашга, изтиробларининг кучли эканлигини бўрттириб кўрсатишга эришган.

*Мен уни хаёлий, тотли бир севииш,
Илоҳий бир муҳаббат, ишқ билан севдим;
Беш йил!... Шунинг-чун беш йил инглайиш,
Ёниш, куйишларим...оҳ энди билдим. (1, 66)*

Сегмент қурилмалар оғзаки нутқда пауза орқали берилса, ёзма нутқда тиниш белгилари орқали ажратилади. Чўлпон шеърларида қўлланилган сегмент бўлақлар такрор-такрор қўлланилган, улар орасида кўп нуқтанинг қўлланилиши оҳангга сокинлик беришга хизмат қилган. Шу билан бирга таъкид олаётган бўлақнинг муҳимлиги бўрттирилган.

*Япроқ...япроқ...бутоқларда
Қалтираган варам япрақ,
Юзларингни сўнг чоқларда
Бутун босиб кетган тупроқ! (1, 79).*

Сегмент қурилмалар нутқ жараёнида мантикий жиҳатдан таъкидланаётган бўлақни ажратиб кўрсатувчи восита сифатида қўлланилади. Шеърый асарларда эса сегмент сифатида ажратилган бўлақ фикрнинг хулосаси, якуни сифатида ҳам келиши мумкин. Чўлпон шеърларида қўлланган сегмент бўлақлар эса фикрнинг бошланмаси сифатида келганлигини кўриш мумкин. Бу қурилмалар воқеликни ўзига хос тарзда ифодалаш вазифасини ҳам бажарган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулхамид Чўлпон. Гўзал Туркистон. – Тошкент: Маънавият, 1997.
2. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002.
3. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Фил.фан.док.дисс...автореф. – Тошкент, 2008.
4. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент:Фан, 2007.
5. Акимова Г. Развитие конструкций экспрессивного синтаксиса в русском языке// Вопросы языкознания. –Москва: Наука, 1981.№6.– С.109-121.
6. Сковородников А.П. О системе экспрессивных конструкций современного русского языка//Филологические науки.1982.№1. – С.37-43.